

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТ АЖРАТИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Сафарбуваев Ботир Рўзикулович

*–Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура
тингловчиси*

Аннотация: Монетар омиллар аҳолини бандлигига ва иқтисодиётнинг ўсишига таъсир кўрсатишда муҳим ҳисобланади. Ушбу илмий мақолада монетар омиллардан бири - тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кредитлар ажратилиши ва унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га таъсири ўрганилган. Илмий мақолада кредит ажратилиш ҳисобига иқтисодиётнинг қисқа ёки узоқ муддатда ўсиши таҳлил қилинган. Тижорат банклари томонидан кредит ажратилиши Сурхондарё вилояти мисолида 2016-2021 йиллар қиёсий таҳлил қилиниб, кредитлашнинг самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилган.

Калит сўзлар: Бандлик, иқтисодиёт, монетар омиллар, пул-кредит, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган иқтисодий инқирозлар, ишсизлик даражасининг кескин ошиши, инфляция даражасининг ўсиши камбағалликнинг юзага келишининг асосий сабаблари бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар, ҳаттоки ривожланган давлатларда ҳам кузатилмоқда. Шу боис, ушбу мавзудаги муаммоларга ечим топиш глобал мавзулигича қолмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 29 декабрида Олий Мажлисида қилинган Мурожаатномада тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар[1]. Хурматли Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил 20 август куни тадбиркорлар билан очик мулоқот шаклидаги учрашувида сўзлаган нутқида “Мен яхши тушунаман,

хамма арзон кредит олишни хоҳлайди. Лекин кредит бўйича фоиз ставкаларини сунъий пасайтирсак, пул-кредит бозоридаги мувозанат бузилади. Шунинг учун иқтисодиётга арзон кредит берамиз деб, макроиқтисодий барқарорликни унутиб қўймаслигимиз лозим. Барқарорлик бўлмаса, иқтисодий ўсиш бўйича кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаймиз.” [2] деб таъкидлаганлиги ҳам бежизга эмас. Пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандлик, нархлар ҳамда тўлов баланснинг барқарорлигини таъминлашдан иборат[3]. Иқтисодиётда пул-кредит сиёсатини юритилишида ва унга таъсир этадиган чоралар кўрилганда, унинг оқибатлари ҳақида аниқ ҳисоб-китоблар олиб бориш заруриятини талаб этади. Пул-кредит сиёсатининг оқибати деганда, сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатлари тушунилиши керак.

Қисқа муддатли даврда - давлат пул таклифини ошириб, натижада ЯИМ миқдори ўсишини рағбатлантириши ҳамда маълум даражада самарадорликка эришиши ҳисобланади. Аммо, узоқ муддатли даврда – иқтисодий ўсиш пасайиши мумкин [4]. Иқтисодиётда, пул-кредит сиёсати асосида пул-кредит сиёсатининг таъсир этиши жараёнларини ўрганишда пул назарияси тушунчаси ётади. Мазкур назарияга иқтисодчиларнинг икки хил ёндашуви ва тортишувлари мавжуд. Булар неокейнсчилар назарияси ҳамда замонавий пул миқдори назарияси тарафдорлари ҳисобланади. Шунингдек, мазкур назария тарафдорлари ҳам пул таклифининг номинал ЯИМга таъсирини инкор этмайди. Бироқ, Кейнсчилар монетар сиёсат юритишда фоиз ставкаси даражасига, монетаристлар пул таклифининг даражасига асосланишни лозим деб ҳисоблайдилар. Яъни, Кейнсчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат аралашуви шарт деб ҳисоблашса, монетаристлар эса тескари фикрлайдилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда кредит сиёсатини ва банклар фойлят юритишини эркинлаштириш ҳамда банк хизматини янада яхшилаш зарурати мавжуд. Бунда, банк тизимида трансформациялаш жараёниларини амалга оширилиши тақозо этилмоқда. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқариб, ишсизлар сони ортиб борса, мазкур

вазиятда давлат томонидан Марказий банк орқали пул таклифини оширишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида пул таклифи ўсишига эришилади, фоиз ставкалари эса камаяди. Тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларининг камайиши эса инвестицияларга бўлган талаб оширади, ЯИМ миқдорини эса кўпайишига олиб келади.

$$\text{Демак, } Y=C+I+G+X_n$$

$$M \begin{matrix} \uparrow \\ \Rightarrow i \end{matrix} \begin{matrix} \downarrow \\ \Rightarrow I \end{matrix} \begin{matrix} \uparrow \\ \Rightarrow Y \end{matrix} \begin{matrix} \uparrow \end{matrix}$$

Бу ерда, Y - реал ЯИМ; C – истеъмол; I – Инвестиция; G – Давлат харажаатлари; X_n - Соф экспорт; i – фоиз ставкаси.

Мазкур амалиёт натижасида маълум бир даврда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтатилиб, ишсизлар сони камайишига эришилади, жамиятнинг даромади эса ошади. Пул-кредит сиёсатида ҳисоб ставкаси, мажбурий захиралар нормаси, очиқ бозордаги операциялар асосий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мажбурий банк захираларини меъёрлари юридик ва жисмой шахсларнинг депозитлари муддатига боғлиқ равишда 2019 йилнинг 1 июлига қадар табақалаштирилган ва алоҳида ажратилган ҳолда фоиз даражаси белгилаб борилган. Марказий банк томонидан 2019 йил 1 июлдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга депозит муддатларидан қатъий назар бир хил фоиз ставкаси белгиланган. 2016-2021 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кредит ажратилиши Сурхондарё вилояти мисолида таҳлил қилинди. Вилоятда 2016-2021 йиллар 23 трлн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилган. Мазкур ажратилган кредит маблағларини инфляция даражасини 1 тенгликда индекс белгилаб олиб 2017 йилга нисбатини ҳисоблашда 2016 йилнинг инфляция даражасини 100 фоиз нисбатига 1 тенглик қўшилади. Қолган даврлар ҳам шу тартибда ҳисобланади.

$$\text{ind}=1; \mathbf{2016 \text{ й} - P_1; 2017 \text{ й} - P_2=14; 2018 \text{ й} - P_3=16; \dots; 2021 \text{ й} - P_6=14}$$

$$2017 \text{ й} - 1+P_1/100=1+0,09=1,09; 2018 \text{ й} -$$

$$2017\text{й}*(1+P_2/100)=1,09*(1+14/100)=1,24 \text{ ва х.к.}$$

Инфляция даражасини тузатиш коэффициенти орқали графикда кўриниши




1-расм. Кредитларнинг инфляция даражаси инобатга олган ҳолда ҳисобланиши.

Вилоятда ЯХМ ҳажми 2016 йилда 12,1 трлн. сўм, 2017 йилда 14,4 трлн. сўм, 2018 йилда 18,6 трлн.сўм, 2019 йилда 22,3 трлн.сўм, 2020 йилда 24,4 трлн.сўм, 2021 йилда 30,0 трлн.сўмга тенг бўлган. Иқтисодиётда кредит фоизини пасайиши, инвестициянинг ўсишига бу эса ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит ва ЯХМнинг кўрсаткичлари кетма-кетликда эгри чизиқ орқали умумлаштирилади. (1-расм)

Ажратилган кредит ва ЯХМ ҳажмлари.

1-расм.



Юқоридаги графикда ажратилган кредитлар ва ЯХМ ҳажмининг ўсиш ва камайиш эгри чизиқлари деярли бир хил эканлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кредит ажратиш орқали иқтисодиётнинг қисқа муддатда ўсишига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Шундай экан авваламбор, ушбу тизимни янада такомиллаштириш ва янги лойиҳалар амалга оширилишида банклар томонидан кредитлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур. Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ажратиладиган кредитларни фоиз ставкасини эркин ҳолатга келтириш зарур. Ҳукумат қарорлари асосида давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар учун ажратиладиган кредит фоизларини тадбиркорликни ривожлантириш жамғармалари томонидан қоплаб бериш тизимини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Янги Ўзбекистонда иқтисодиётда кредит сиёсатининг янги босқичига ўтилади. Бу билан монополия ва коррупция ҳолатларга барҳам берилиб, тадбиркорликни бошлаш ва янги лойиҳаларни амалга оширилишида рақамли иқтисодиётдан фойдаланишга ва танлаш имкониятларини кенгайтирилишига, эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- [1] “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси”.
- [2] “Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш-энг муҳим вазифамиздир”, 2021.
- [3] S. Fayziyev, “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Va O‘rta Maxsus Ta’lim Vazirligi Toshkent Moliya Instituti “Biznes va tadbirkorlik” kafedrasida MAKROIQTISODIYOT fanidan ma’ruza matni”.
- [4] “Z.A. Djumayev. Makroiqtisodiyot. Darslik. 2019”.
- [5] K. Gabeshi Student, “The Impact Of Credit Activity On The Economic Evolution Of The Developed Economies”.
- [6] “Монетар Сиёсатнинг 2019-2021 даврга мулжалланган йуналиши”.

- [7] B. Albuquerque, U. Baumann, and F. Seitz, “Working Paper Series The information content of money and credit for US activity”, 2015.
- [8] H. Abdullah and S. El-Rasheed, “Re-examination of the Impact of Credit on Economic Growth in Malaysia: Further Evidence from the Asymmetric ARDL Cointegration Technique”, vol. 1, no. 2, p. 2021.
- [9] L. Fatone and F. Mariani, “An assets-liabilities dynamical model of banking system and systemic risk governance”, May 2019, [Online]. Available: <http://arxiv.org/abs/1905.12431>
- [10] Khannayev, S. K. “Efficiency analysis of activities of banks of different property.” *Economics and Innovative Technologies* 2019.1 (2019): 12.
- [11] “Z.A. Djumayev. Makroiqtisodiyot. Darslik. 2019”.